Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 249 (13.312)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов – 2016

Евгений СЛОБОДА:

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ҚОНУН ДОИРАСИДА, ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТМОҚДА

Мамлакатимиз, халқимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Шу кунларда бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу сайловни кузатиш учун халқаро кузатувчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи экспертлар мамлакатимизга келмоқда. ЎзА мухбири МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений СЛОБОДА билан суҳбатлашди.

– Ўзбекистонда Президент сайловига доир қонунчилик асослари такомиллаштирилиб, фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида маълум ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан хабардормиз, – деди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода. – 2015 йил декабрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари янада аниқлаштирилган. Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлолмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши, ўз номзодини қўллаб-қувватлаши учун қўшимча имкониятлар белгиланди. Президентликка кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилди.

Ўзбекистонда ўтган парламент ва Президент сайловларида кузатувчи сифатида қатнашганмиз. Ўзбекистондаги сиёсий тадбирларда аҳолининг фаоллиги тобора ошиб бораётганини кузатмоқдамиз. Бу уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксаклигидан далолатдир.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича сайловолди ташвиқотлари ўтказилгани, кенг миқёсда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, сайлов кампаниясининг мазмун-моҳияти тушунтирилгани, мавзуга оид тарғибот тадбирлари, давра суҳбати, семинар, учрашув ва конференциялар ташкил этилгани, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиб борилаётгани, турли тарғибот материаллари тарқатилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Биргина мисол: сайловолди ташвиқотларига доир 100 мингдан ортиқ плакат жамоат жойлари, транспорт воситалари, сайлов участкалари, одамлар гавжум ҳудудларга жойлаштирилган. Оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинаётган материаллар ҳам фуқаролар сиёсий маданиятини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ушбу сайлов жараёнларида ҳам намоён бўлмоқда. Қаранг, округ сайлов комиссияларининг 152 аъзосидан 56 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг 12 нафари сайлов комиссияларида раҳбарлик қилмоқда. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар 47,4 фоизни ташкил этади. Ўзбек хотин-қизлари сиёсий ҳаётда дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари ҳавас қилгулик даражада фаол.

Сайловолди ташвиқотлари, умуман, сайлов билан боғлиқ жараёнларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ролини жуда юқори баҳолаймиз. Яқинда Марказий сайлов комиссиясида барча сайлов комиссияси аъзолари иштирокини таъминловчи видеоконференция ташкил этилди. Бу ҳам очиқлик ва ошкоралиқни қарор топтиришдаги энг самарали усуллардан бири. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашди. Бошқа томондан, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, етакчи ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолагани бу йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда миллий оммавий ахборот воситалари орқали 10 мингдан ортиқ материаллар эълон қилингани эътиборга молик. Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқотида барча номзодлар учун тенг шароит яратиб, ҳаққонийлик ва холисликни таъминламоқда.

Бир неча вилоятларда, кўплаб сайлов участкаларида бўлдик. Кузатувларимга асосланиб ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатингизда сайлов кампанияси қонун доирасида, халқаро стандартлар бўйича очиқ ва ошкора ўтмоқда. Сайловчиларнинг Президентликка номзодларнинг дастури билан танишиши, ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериши, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.

С.АЛИЖОНОВА ёзиб олди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2016 йил 28 ноябрь куни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловни ёритиш учун мамлакатимизга келган Россиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

РОССИЯ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий сайлов комиссияси раиси журналистларни сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди.

Учрашувда Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида Президентлик институти асосий ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчиликка 2015 йил декабрь ойида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов амалиётини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг сайловда эркин иштирок этиши учун шарт-шароитларни кенгайтиришга, Президентликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини, журналистларнинг сайлов кампаниясига тааллуқли ахборотлардан кенг фойдаланишини таъминлаш мақсадида Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан бугунги кунга қадар сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган юзга яқин матбуот анжумани ва брифинг ўтказилди. Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 306 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Сайлов кампанияси эълон қилинганидан бошлаб шу кунга қадар мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларида 15 минг 845 та материал эълон қилинди.

Тадбирда Россия оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ, ЎзА мухбири

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Ўзбекистонда партиялар ўртасидаги рақобат ва фикрлар хилма-хиллиги ҳақидаги маълумот ташкилотнинг барча 6 тилида (инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз) БМТ Бош Ассамблеяси 71-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТ ВА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ БМТ ДИҚҚАТ-МАРКАЗИДА


Унда қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик йиллари давомида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил шаклланмоқда. Бунда замонавий демократиянинг асоси ҳисобланадиган очиқ ва эркин сайловларни ташкил этиш ва мунтазам ўтказиш учун зарур шароитларни яратиш улкан аҳамиятга эга.

Ҳужжатда таъкидланганидек, ўзларининг сайловолди дастурлари асосида сиёсий кучларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши ривожланиш ва тараққиётнинг табиий жараёнидир. Ўзбекистонда кўп партиявий тизимнинг тадрижий ривожланиши ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида бу жараён партияларнинг сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашадиган ҳуқуқий асосларни яратиш ва уларни такомиллаштиришга таянганини кўрсатаётир.

"Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қатор қонунчилик ҳужжатлари мамлакатда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини намоён этадиган партиялар ва жамоатчилик бирлашмаларининг тузилиши ва эркин ривожланишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди. Партияларнинг сиёсий, сайлов жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар изчил ва босқичма-босқич ривожланди", дея қайд этилади ҳужжатда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Пойтахтимиздаги Маърифат маркази очилганига беш йил тўлди.

НОЁБ ЗИЁ МАСКАНИ

"...Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало юксак маданияти, маърифат ва маънавияти, баркамол ёшлари билан қучлидир..."

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2011 йил 16 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган Маърифат маркази биноси билан танишиш чоғида айтган ушбу сўзларда нақадар теран маъно мужассам.

Биринчи Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ўз ичига олган Маърифат марказида турли маданий-маърифий тадбирлар, йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар, китобхонлик кечалари ўтказилмоқда.

Мажмуа атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-яшил майсазорлар, кўркам фавворалар умумий манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроиқлим ҳосил қилади.

Симпозиумлар саройи ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан ноёбдир. Мазкур маҳобатли сарой ўзида миллий меъморлик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, мовий гумбаз меъморлик бобида аждодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир. Гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Буюк Йўлбошчимизнинг ғояси асосида Симпозиумлар саройи вестибюлидаги деворларга ёқут, феруза, зумрад, ложувард, малахит (яшилтош), яшма каби ноёб, табиий ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маҳобатли икки панно шакли, нақшлари ва мазмун-моҳиятига кўра инсон тасаввури ва тафаккурининг ноёб маҳсулидир.

Халқимиз азалдан китобни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу хайрли анъана янада теран маъно-мазмун билан бойиди. Мамлакатимиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари, биринчи навбатда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янгидан бунёд этилди.

Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 20 мартдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ кутубхона тузилмаси янгиланди, унинг бўлимлари ва хизмат кўрсатиш иши такомиллаштирилди, вазифалар кўлами кенгайтирилди.

Кутубхона энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда жаҳон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими, энг янги нашриёт-матбаа ҳамда нусха кўчириш ускуналари ўрнатилган.

Музейда ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар фондидан намуналар қўйилган. Алишер Навоийнинг "Хамса", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб", "Лисон ут-тайр" асарлари, "Девон"и қўлёзмалари шулар жумласидандир. Ноёб китоб фондини яхши сақлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Болалар хонасида етти ёшгача бўлган болалар учун турли ўйинчоқлар, аквариум, ўқув қуроллари, эртак китоблар мавжуд. Ота-оналар мутолаа қилгунча бу ерда болаларга қараб турилади. Кинозалда мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар, улуғ алломаларимиз, қадимий шаҳарларимиз ҳақидаги фильмлар намойиш этилмоқда.

Кутубхона биносида Wi-Fi тизими ишлаб турибди. Китобхон ўзи билан ноутбук олиб келиб ёки шу ернинг ўзидан ижара асосида олиб, интернетдан чекловсиз фойдаланиши мумкин. Ҳозир ҳар куни мингдан ортиқ киши бу ерда глобал ахборот тармоғидан фойдаланмоқда.

Кутубхона етти қаватли бўлиб, ер остидаги икки қават фонддан иборат. Бу ноёб фонд илгари пойтахтимизнинг уч жойида сақланган бўлса, энди марказлаштирилди. Китобларни сифатли сақлаш учун замонавий мобиль стеллаж ўрнатилди. Илгари сўралган баъзи китоб ёки газета-журнални ўқув залига келтириш учун бир-икки кун вақт сарфланган бўлса, бугун бу жараён 345 метрли телелифт ва 100 килограмм юкни кўтаришга мўлжалланган лифт воситасида 15-20 дақиқада бажарилмоқда.

Бугун кутубхона фонди қарийб 7 миллион нусхани ташкил этади. Ўтган вақт мобайнида кутубхона фонди салкам 350 минг электрон нусхадаги янги адабиётлар билан бойитилди. Бу ерда тўпланган алоҳида қимматга эга китоблар, нодир ва қадимий нашрлар, қўлёзмалар, литографиялар кутубхонанинг фахри ҳисобланади. Фондда буюк олимларимиз ва мутафаккирларимизнинг XI ва ундан кейинги асрларга оид қўлёзмалари, XVI-XIX асрларда дунёнинг кўплаб тилларида чоп этилган китоблар сақланмоқда.

...Маърифат марказида ташкил этилаётган тадбирлар рамзий маъно ва тарихий аҳамиятга эгадир. "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиум, "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид тажриба ва ютуқларига бағишланган йирик халқаро анжуманлар, элимиз ардоғидаги инсонлар билан ёшлар ўртасидаги турли учрашувлар ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу ноёб мажмуа нафақат ўзбек миллий шаҳарсозлик мактабининг ёрқин намунаси, балки мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётгани, халқимизнинг эзгулик ва маърифатга интилиб яшаётгани ифодаси ҳамдир. Зотан, тинчлик яловини баланд тутган, теран маънавий томирларга эга халқнинг келажаги буюк, йўли ҳамиша ойдин бўлади.

Дилшод КАРИМОВ, ЎзА шарҳловчиси

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда "Ўзбекистон Республикасида аёллар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Қаршида "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзуида форум бўлиб ўтди. Тадбирда Конституция ва миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда вакиллари орқали иштирок этишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди. Форум давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олди.

• Навоийда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференция "Конституция – халқ олий иродасининг ифодаси" деб номланди. Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунослар, профессор-ўқитувчилар, Навоий шаҳри ва Кармана туманидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари ўринбосарлари, ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Швейцарияда атом электр станциялари фаолиятидан тезроқ воз кечиш масаласи бўйича умуммиллий референдум бўлиб ўтди. Унда 54,2 фоиз қарши овоз билан атом энергетикасидан фойдаланишни тўхтатиш масаласига барҳам берилди. Мамлакат ҳукумати ва тадбиркорлар ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлашди. Гап шундаки, ҳозирда Швейцарияда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи АЭСлар орқали олинмоқда ва улардан воз кечиш катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

• Греция пойтахти Афинада тинимсиз қуяётган ёмғир катта зарар келтирмоқда. Хусусан, кўпгина кўчаларни сув босган, метронинг бир неча станциялари сув остида қолган. Маълумотларга кўра, Греция пойтахтида бундай ҳолат кейинги ўн йил ичида илк бор рўй берган.

• Аргентина терма жамоаси илк бор теннис бўйича Дэвис кубогини қўлга киритди.

Сайлов — 2016

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТ ВА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ БМТ ДИҚҚАТ-МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, унда миллий сайлов қонунчилигининг изчил ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Бу йўналишдаги қонунчиликка киритилган ўзгартишлар шуни кўрсатмоқдаки, сайловлардан сайловларгача сиёсий кураш аллақачон сифат жиҳатидан янги асосда кечаяпти, партиялар ўз фаолияти майдонларини кенгайтирмоқда, уларнинг жамиятдаги обрў-эътибори, халқ ва мамлакат олдидаги масъулияти ошмоқда.

"Депутатликка номзодларни илгари суриш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилгани давлат ва жамиятни демократлаштириш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида навбатдаги қадам, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш ва партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириш омили бўлди", дея қайд этилади мазкур ҳужжатда.

Маълум қилинганидек, парламентдаги муҳолифат фаолиятининг кафолати ва мавқеи аниқ белгилаб берилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қонун 2015 йилнинг ўзидаёқ ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" партиялари ўз дастурий мақсадлари билан боғлиқ қонунлар лойиҳаларини самарали илгари суриш мақсадида парламентда кўпчиликни ташкил этган "Демократик кучлар блоки" тузилишининг қонуний асоси бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва "Адолат" социал-демократик партияси ўзларини озчиликни ташкил этган парламентдаги муҳолифат, деб эълон қилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар ўзларининг парламентдаги ва Халқ депутатлари Кенгашларидаги вакиллари орқали ҳокимият органлари фаолияти устидан назорат қилиш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш борасида стратегик вазифаларни ҳал қилишда фаол қатнашишда кенг имкониятларга эга эканликлари ҳам қайд этилади.

"Бош вазир лавозими номзодини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиб, тасдиқлаганидан кейин Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фаолият дастурини тақдим қилишга мажбур эканлиги ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган сиёсий партияларга мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини амалга ошириш юзасидан ҳукумат томонидан олиб борилаётган йўналишга нисбатан ўзларининг аниқ муносабатларини, ушбу жараёнда фаол иштирок этиш бўйича фаолият дастурларини белгилаб олиш имконини беради", дейилади ҳужжатда.

Хулоса ўрнида мазкур қонун натижасида фуқаролар манфаатларини давлат даражасига етказишга хизмат қиладиган кўппартиявийлик тизими шаклланаётгани таъкидланади. Сайлов кампанияси чоғида миллий қонунчиликка оғишмай амал қилинаётгани ҳамда сиёсий партиялар ва фуқаролар томонидан фаол ҳаётий ва сиёсий муносабатнинг намоён этилаётгани Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда муваффақиятли ўтказилишига кўмаклашади.

"Жаҳон" АА
Нью-Йорк

Шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир – 2016 йил 4 декабрь куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

АСОСИЙ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 117-моддасидан.

Мазкур сайлов ҳам конституциявий орган мақомига эга, фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилмоқда. Сайлов кампанияси давомида амалга ошириладиган тадбирлар Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ташкил этилмоқда. Бу жараён сайлов қонунчилигимизда белгиланганидек, очиқ ва ошкора амалга оширилиб, сайлов комиссиялари фаолиятидан аҳоли хабардор этиб борилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро демократик талаблар асосида ўтиши ҳамда сайловчиларнинг фаол иштирокини таъминлашга пойтахтимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда сайлов участкаларининг моддий-техник таъминоти ҳамда сайловчилар учун қулайликлар яратиш билан боғлиқ бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Она ва бола, тиббиёт хонаси зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов билан боғлиқ жараёнлар хусусида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳоли, айниқса, сайловда илк маротаба қатнашадиган ёшларнинг бу борадаги билим ва тушунчаларини кенгайтириш, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Мирзо Улуғбек туманидаги 143-сайлов участкасида ҳам бу борадаги юмушлар қизғин кечмоқда.

– Ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ олиб борилмоқда, – дейди 143-сайлов участкаси раиси Дилором Атамуродова. – Худудимизда уч мингга яқин сайловчилар рўйхатга олинган бўлиб, шундан сал кам етмиш нафари биринчи марта қатнашаётган ёшлардир. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ёш сайловчиларни миллий қонунчилигимиз мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёш сайловчилар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлов қонунчилигида белгиланган конституциявий ҳуқуқлари билан таништирилмоқда.

– Мен декабрь ойида 18 ёшга тўламан ва ўз ҳуқуқларимдан фойдаланган ҳолда сайловда биринчи марта иштирок этаман, – дейди. – Менинг бу ҳуқуқим Конституциямизнинг 117-моддасида белгилаб қўйилган. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга экани, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланганини биламан. Бугунги тадбирда сайлов қонунчилиги тўғрисидаги билимларим янада бойиди. Президент сайловида энг муносиб номзодга овоз бераман.

Сайлов жараёнида фуқаролар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши учун шароит яратилиши, тенглик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига қатъий амал қилинишига алоҳида эътибор қаратилади.

Зиёда ВОҲИДОВА

Ўзбекистон Конституцияси ва сайловлар ҳақидаги қонунларнинг муҳим хусусиятларидан бири бу – уларнинг умумэътироф этилган халқаро андозаларга мослигидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, аввало, Конституцияда, сўнгра, унга мувофиқ тарзда сайловлар ҳақидаги қонунларда аниқ ўрнатиб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– Умумий сайлов ҳуқуқи.
– Тенг сайлов ҳуқуқи.
– Тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи.
– Яширин овоз бериш ҳуқуқи.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг ушбу конституциявий принциплари сайловлар тўғрисидаги халқаро андозаларга тўла мос келади. Бундай халқаро андозалар 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", 1966 йилги "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт", 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатлари, Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 1994 йилда қабул қилган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларацияси ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларда ҳам фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг таъминланишига қаратилган халқаро андозалар ўрнатилган.

Ўзбекистонда ана шундай халқаро андоза ва талаблар асосида демократик ва адолатли сайловлар ҳақида қонунлар ишлаб чиқилган. Масалан, 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддасидаёқ мазкур сайловни ўтказишнинг асосий принциплари белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади.

Мазкур қонун умумий сайлов ҳуқуқи тушунчасини аниқлаштиради ва мустаҳкамлайди. Унда айтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайловда қатнашишларига кенг ва реал имкониятлар яратилган. Бу сайлов цензларнинг камлиги ва адолатли қилиб белгиланганлиги билан ҳам таъминланади.

Мамлакатимиз қонунчилигида назарда тутилган умумий сайлов ҳуқуқи фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишли. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ажнабийлар сайловда қатнашиш ва вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, суд ҳукми билан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг бу ҳуқуқдан мустасно қилинганлиги тамомила табиий ва қонуниятли бир ҳолдир. Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, касалхоналарда, туғруқхоналарда, санаторийларда ва бошқа шифохоналарда, кемаларда, йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда ва шу сингариларда сайлов участкаларини ташкил этиш йўли билан ҳам таъминланади. Тегишли органлар сайлов участкаларини тузиш ва овоз бериладиган жойларни белгилаш вақтида сайловчилар учун энг мақбул қулайлик вужудга келтириш зарурлигини кўзда тутади.

Сайлов дам олиш куни ўтказилади. Сайлов билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлиб, бу қоида сайлов тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамлаб берилган. Сайлов ўтказиш учун энг яхши жамоат биноси ажратиб берилади. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишига ҳеч нарса халақит бера олмайди.

Қонунда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Умумий сайлов ҳуқуқининг кенг кафолатланганлиги фуқароларнинг овоз беришда деярли ёппасига иштирок этишларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида тенг сайлов ҳуқуқи принципи мустаҳкамланган. Уларга биноан, ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов тизимининг демократик моҳияти сайловнинг умумий бўлишида, яъни барча фуқароларнинг сайловда иштирок этишидагина эмас, шунингдек, сайловнинг тенг бўлишида ҳамдир. Умумий ва тенг сайлов принциплари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Умумий сайлов бўлмаса, тенг сайлов ҳам бўлиши мумкин эмас.

Тенг сайлов ҳуқуқи – 18 ёшга тўлган барча фуқароларнинг сайловда тенг шароитларда қатнашишларини англатади. Қонунларимизда ижтимоий келиб чиқиши, ирқи ва миллий мансублиги, ижтимоий ва мулкий мавқеи, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, муайян жойда қанчадан буён яшаётганлиги ёки машғулотининг турига қараб, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини чеклаш тақиқланган.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги принципи ҳар бир сайловчи фақатгина битта сайловчилар рўйхатига киритилиши, фақат битта овозга эга бўлиб, сайловда тенг асосларда қатнашиши мумкинлигида ўз ифодасини топган.

Тенглик принципи номзодларга қонунда белгиланган тарзда тенг миқдорда ишончли вакилларга эга бўлиш, сайловолди тарғиботини ўтказишда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқининг тенг кафолатлари ва имкониятларини бериш йўли билан ҳам таъминланади. Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида умумий ва тенг сайлов ҳуқуқининг ҳар тарафлама ва изчил кафолатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар умумий ва тенг бўлибгина қолмай, шу билан бирга тўғридан-тўғри ҳамдир, яъни вакиллик органларига депутатлар тўғридан-тўғри сайланади, халқ депутатларининг барча вакиллик органларига фуқаролар бевосита сайланадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам тўғридан-тўғри фуқаролар томонидан сайланади. Тўғридан-тўғри сайлов тўғридан-тўғри бўлмаган сайловдан шу билан фарқ қиладики, биринчи ҳолда номзод сайловчилар томонидан бевосита хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишлари йўли билан сайланади.

Тўғридан-тўғри сайловларнинг жорий этилиши сайловчиларнинг депутат билан бевосита алоқасини кучайтиради. Тўғридан-тўғри сайлов кўп босқичли сайловдан шу билан фарқ қиладики, бунда сайловчилар ўз депутатини яқин биладилар, ундан ҳисоб бериб туришини талаб қила оладилар.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи Конституция ва сайлов ҳақидаги қонунларимизда аниқ белгилаб берилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, "Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар". Бундай меъёрлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунда ҳам белгиланган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Бу қоида овоз беришни фуқаролар бевосита ўзлари амалга оширишларини англатади. Мазкур принципнинг асосий ва бирдан-бир шарти – ҳар бир сайловчи шахсан овоз беришидан иборатдир.

Ўзбекистонда сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида халқаро андозаларга мос равишда сайлов ҳуқуқининг асосий, конституциявий принциплари билан бир қаторда қуйидаги умумий принциплари ҳам ўз ифодасини топган:

– *Эркинлик.*
– *Ошкоралик.*
– *Адолатлилик.*
– *Масъуллик.*

Эркинлик принципи, фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқини қўрқувсиз амалга ошириш имкониятини таъминлашга, шунингдек, уларнинг ўзини намоён этиш, йиғинлар ва жамоат бирлашмаларида қатнашиш эркинлиги каби ҳуқуқлари бутун сайлов жараёни давомида риоя этилишига ишончни таъминлашга қаратилган. Бу принцип Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги барча қонунларида ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Ошкоралик принципи сайловлар умумийлик ва ошкоралик тамойилларига асосланган қонунларга мувофиқ ўтказилишини кўзда тутади. Ошкора жараён сайлов вақтида алдашлик имкониятини чеклайди. Шундай қилиб, овозларни санош сайлов участкаси даражасидан тортиб, сайлов кампанияси ўрта бўғинида ва Марказий сайлов комиссияси даражасида ошкора ва тасдиқлаш мумкин бўлиши шарт. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик принципи Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги ҳамма қонунларида ўз аксини топган.

Адолатлилик принципи, сайлов жараёни барча иштирокчилари учун тенг шароитларни, лекин камида, сайловчиларни барча номзодлар ва уларнинг дастурлари хусусидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаши керак. Ушбу принцип Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунларининг мазмунига сингдириб юборилган. Маълумки, ҳозирги сайлов қонунчилигимизга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадирлар. Бунда сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланадилар. Қонунларда Президентликка ва депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам ҳамма сайланувчилар учун тенг асосларда белгиланган. Кимлар Президентликка ва депутатликка номзод бўла олмасликлари қонунларимизда аниқ кўрсатилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасига биноан, қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар; ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Масъуллик принципи, барча сайланган шахслар ўзлари сайланган лавозимини эгаллаш вақтида сайловчилар олдидаги ўз масъулиятини тан олишини талаб қилади. Масалан, Ўзбекистонда фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадиган Президент аввало давлат бошлиғи ва халқ бирлигининг рамзи ҳисобланади. У Ўзбекистон халқи номидан иш тутади ва унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилади. Президент партиявий, ижтимоий ва бошқа манфаатлардан, айниқса, ҳар қандай гоя ва келишмовчиликлардан юқори туради. Жамиятни ўзаро мувофиқлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни мустаҳкамлаш айнан Президент зиммасидадир. Президент мамлакатнинг умумий ҳолати учун масъул бўлиб, сиёсий барқарорликни таъминлайди, ҳуқуқий тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда мамлакатнинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятини бажариш борасида қарорлар қабул қилади, тезкор чора-тадбирлар кўради. Президент ўз лавозимига киришар экан, қуйидаги қасамёдни қабул қилади:

"Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

Президент шу тариқа, сайловчилар ва бутун халқ олдида жуда катта масъулиятни ўз зиммасига олади.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ НОТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ, ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 июлдаги "Ҳар йиллик "Савдо ва хавфсизлик" танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги 237-сонли қарори ижросини таъминлаш, жамият хавфсизлиги, бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолаб, кескинлик ва хавф-хатарларни тобора ўсиб бораётгани, геосиёсий қарама-қаршиликлар ўз таъсир доирасини кенгайтираётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлардан ҳалқимизни, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни асраш, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган халқ хўжалиги иншоотлари, умумовқатланиш ва савдо жойлари, бозорлар ҳудудида содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, аҳоли ўртасида ижтимоий-сиёсий, маънавий муҳитни барқарорлаштириш, маҳаллаларда фуқароларни, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқувчиларни, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, мазкур муассасаларга совуқ қуроллар олиб кирилишини олдини олиш шу билан бир қаторда барча нотурар биноларда, ҳамда оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда хавфсизликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 24, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳрида жойлашган ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ижтимоий соҳа объектлари раҳбарларига:

Ўзининг бино ва ҳудуд хавфсизлигига жавобгар бўлган масъул раҳбар ходимлардан бириктириш;

тайинланган масъул ходимни хизмат вазифаларини белгилаб бериш;

ўз объектларини қайта таҳлил қилиб, ёндош ҳудудларнинг аниқ чегараларини белгилаш, мавжуд бинолар, иншоотлар ва иморатлар, муҳандислик-техник, коммуникация, ёнғинга қарши, эвакуация иншоотлари, кириш йўллари ва транспорт воситаларининг тўхташ жойлари, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари, техник асбоб-ускуналар, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган махсус воситаларнинг ҳисоблаб чиқилган захираси ва номенклатурасининг техник ҳолати таҳлилини ўтказиш;

барча объектларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида замонавий техник воситалар, жумладан, видео-кузатув камералари, металлодетекторлар билан таъминлаш;

бинога ташриф буюраётган бегона шахслар замонавий техник воситалари (металлодетектор) билан кўрикдан ўтказиш ва фуқароларга бу борада тушунтириш ишларини олиб бориш;

бино ва унинг ёндош ҳудудига ўрнатилган видео-кузатув мосламаларини соз ҳолатда ишлашини таъминлаш ва доимий назоратини олиб бориш;

оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар ва объектларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июндаги "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 205-сонли қарор талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш;

оммавий тадбирлар ташкилотчилари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда бача хавфсизлик чораларини таъминлаш тўғрисида ички ишлар органлари билан шартномалар тузишни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг тегишли руҳсатномалар олмасдан ўтказилиши ҳолатларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

ёнғиндан сақлаш автоматик тизимини созлигини ташкил этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи анжом ва воситалари билан таъминлаш;

объект ҳудудига бегона автотранспорт воситалари киритилиши ва сақланишини назоратга олиш тавсия этилсин.

2. Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Курбонов), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Ш.Дадахонов), Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси (Д.Тиллаходжаев):

нотурар жой объектларини сақлаш, кўриклаш, ташриф буюрган шахсларни текширувдан ўтказиш ва назоратни олиб бориш юзасидан объект раҳбарлари ва масъул шахсларга тегишли тавсиялар билан амалий кўмак бериш;

хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳушёрлигини ва огоҳлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилиш қоидалари ва замонавий техник воситалардан (видео-кузатув камералари, металлодетекторлар) қандай фойдаланиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан жадвал асосида маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона, ташкилотларда ўқув-семинарларини ташкил этиш;

жорий йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январигача "Ёнғин хавфсизлиги 2 ойлиги" даврида барча байрам тадбирларини бетала-фот ўтказиш ва фуқаро муҳофазасини таъминлаш;

ижтимоий соҳа объектларида, корхона, ташкилотларда, таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги бўйича эвакуация чизма (схема)сини жойлаштириш, масъул шахсларга вазифасини тушунтириш топширилсин.

3. Савдо департаменти (Р.Абдумажитов), "Тошбозорсавдо" уюшмаси (С.Нематуллаев), Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Р.Умаров), Ветеринария бошқармаси (М.Саттарова):

барча деҳқон ва буюм бозорларда, йирик савдо мажмуаларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида видео-кузатув мосламаларини ўрнатиш ва металлодетекторлардан фойдаланиш тавсия этилсин;

бозорларда мавжуд объектининг ёнғинга қарши ва санитария-эпидемияга қарши хавфсизлик, фавқулодда вазиятларда эвакуация қилиш, коммуникация, муҳандис-техник муҳофаза қилиш воситалари хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимлари билан жиҳозланганлик ҳолати тегишли махсус органлар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилсин, аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилсин.

4. Халқ таълими бош бошқармаси (И.Акбаров), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси (Ф.Иноятов), Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси (Ж.Матчанов), Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (А.Ибатов), туман ҳокимликлари ва бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда тизимдаги барча муассасаларнинг бинолари замонавий техника, шу жумладан металлодетектор мосламалари билан таъминланиши ва фойдаланилиши ташкил этилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари (Н.Хусанов), Молия бош бошқармаси (Н.Собиров): Тўлиқ бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа муассасалари замонавий металлодетектор мосламаларини таъминланиши учун маблағ ажратилиши юзасидан таклиф киритилсин.

6. Туман ҳокимликлари:

Нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари объектларига фойдаланаётган бинони замонавий хавфсизлик техникаларини, шу жумладан металлодетектор мосламалари билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш тавсия этилсин;

туман ички ишлар бошқармалари билан биргаликда ташкилотдан бино ва ҳудуд хавфсизлигига жавобгар масъул шахслар рўйхати шакллантирилиб, хизмат вазифасини амалга ошириш бўйича ўқув услубий йиғинлар ташкил этилсин;

профилактик тадбирга давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кенг жалб этган ҳолда, уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, аҳолининг огоҳлиги ва фаоллигини ошириш ҳамда хавфсизликка таҳдид солувчи омилларга қарши курашиш ишлари олиб борилсин;

корхона, ташкилотларда, таълим муассасаларида, маҳаллаларда масъул раҳбарлар иштирокида аҳоли билан учрашувлар уюштирилиб, объектларда хавфсизликни таъминлашда фуқароларнинг огоҳлиги ва масъулияти оширилсин ҳамда жойлардаги камчиликлар ўрганилиб, бартараф этиш чоралари кўрилсин.

7. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан брифинг ташкил этилсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари М.Обидов, Ш.Турдиқулов ва Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Б.Қурбонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 21 ноябрь

4 декабрь — сайлов куни

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Жорий йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтади. Ҳозирда жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Хайдар Бабахановнинг Шайхонтоҳур туманидаги Ўзбекистон давлат консерваторияси, Сергели туманидаги 21-мусиқа ва санъат мактаби, Яшнобод туманидаги Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежи, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиникада сайловчилар билан ўтказган учрашувлари кўтаринки руҳда ва қизғин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда бўлиб ўтди.

Ишончли вакил аввало Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан сайловчиларни яқиндан таништирди. Шу билан бирга номзоднинг сайловолди дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурида кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ҳамда қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланишлари учун янада мақбул шароитларни яратиш лозимлиги, шунингдек, меҳнат бозоридаги талаб-таклифларни тўлиқ ҳисобга олиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда ҳудуднинг жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини аниқлаштириш, касб-ҳунар коллежлари йўналишларини белгилашда ташкил этилаётган корхона ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилган, деди ишончли вакил. Бундан ташқари, дастурда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш давомида барқарор иш ўринларини яратиш кўрсаткичлари мазкур дастурларнинг муҳим мезонларидан бири бўлиши кераклиги, юқори технологик кўрсаткичларга эга тармоқ корхоналари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириши зарурлиги кўрсатиб ўтилганлиги айтилди.

Шунингдек, номзод ўз сайловолди дастурида мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, энг кам истеъмол харажатлари стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратишга энг муҳим масала сифатида қараганини ишончли вакил эътироф этиб ўтди.

Ишончли вакил шу билан бирга, дастурдан ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозимлиги ўрин олганлигини қайд этди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар Президент сайловида масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда давлат раҳбари вазифасига муносиб, халқпарвар номзодни танлаш учун интилишлари, халқ дарди билан яшаб, унинг қувончу ташвишларини ўзиники деб билишга қодир, Ватан равнақи йўлида юксак фидойилик намунасини кўрсата оладиган номзодга овоз беришларини таъкидлаб, ушбу сайловда барчани фаоллик кўрсатишга чақирдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод — Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президент сайловининг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Зеро, мамлакат Президентини сайлашдек катта ижтимоий-сиёсий воқеадан бирон-бир фуқаро четда қолиши мумкин эмас. Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси, эркининг ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази директори Неъматилла Муҳаммедовнинг Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент Архитектура-қурилиш институти, Сергели туманидаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Яшнобод туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи ва Яккасарой туманидаги Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида сайловчилар билан учрашувлари қизғин руҳда ўтди. Ишончли вакил аввало сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди. Шунингдек, сайловчиларга номзоднинг "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари асосида ишлаб чиқилган сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён қилар экан, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш асосий мақсад қилиб олинганлигига эътиборни қаратди. Шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш, сиёсий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини қарор топтиришда муҳим омил бўлишини таъкидлаб ўтди. Дастур шунингдек, "Куч — адолатда!", "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони", "Адолат — ҳар бир инсон учун" ҳамда социал демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган — ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги ғоялари билан суғорилганлиги билан аҳамиятлидир, деб таъкидлади ишончли вакил. Дастурнинг яна бир муҳим жиҳати — унда адолат ғоясининг устуворлигидир. Чунки адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига киради. Бинобарин, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака бўлади. Одамларда меҳр-оқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади. "Адолат — қонун устуворлигида!" тамойилига таянган ҳолда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳасига доир илгари сурилган вазифалар ҳам номзоднинг сайловолди дастурининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Жумладан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида "Адолатли қонунларни қабул қилиш", "Қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади" каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш халқчил, адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови сифатида илгари сурилган. Шунингдек, дастурда "Кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор", деб белгиланган. Шу мақсадда, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлиги, фаолиятининг очиқлиги ва холислигига эришиш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш, одил судловнинг нуфузини ошириш; судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар илгари сурилган.

Шу билан бирга, номзод ўз дастурида иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва суғурта тизимларини мустаҳкамлаш, четдан қарз олиш масалаларида консерватив ёндашувга асосланиш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан ташқари ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатни давом эттириш тарафдори эканлигини билдирган. Бундан ташқари, республикамизда "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" тамойилига амал қилган ҳолда турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарти бўлган, кўп йиллик мустақил тараққиётимиз даврида ўзини оқлаган давлат ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттириш қўллаб-қувватланган.

Учрашувларда сайловчилар номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган ижтимоий соҳадаги мақсад, вазифалар, ғоя ва таклифларга илиқ муносабат билдириб, уни қўллаб-қувватлашди. Бу борада аҳолининг реал эҳтиёжлари инобатга олингани, ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий масалалар ечими юзасидан аниқ таклифлар илгари сурилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ишончли вакил ва сўзга чиққанлар сайловчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаровга овоз беришга чорладилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, интеллектуал, ишбилармонлик салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг оила ва жамиятдаги мавқеи юксалиб боришига замин яратмоқда.



Анжуманлар

АЁЛ, ЖАМИЯТ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий конференцияда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Тошкент тиббиёт академияси Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Т.Бобомуратов ва бошқалар аёлни эъзозлаш, унга оила таянчи, миллат тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатиш, бунга узвий равишда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби кенг қамровли ишлар, мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Анжуманда хотин-қизларнинг жамият ривожидаги нуфузи ва ўрнини ошириш, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва унинг халқаро стандартларга мувофиқлигини амалда таъминлаш ҳамда ёшларнинг тиббий саводхонлигини юксалтириш бўйича илмий тезислар муҳокама қилинди.

– Юртимизда, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, интеллектуал, ишбилармонлик салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг оила ва жамиятдаги мавқеи юксалиб боришига замин яратмоқда, – дейди тадбир ташкилотчиси Нилуфар Юлдашева. – "Аёл: жамият, таълим-тарбия, тадбиркорлик, сиёсат ва ислоҳот" мавзуидаги ушбу тадбиримиз ҳам, мазкур йўналишда олиб борилган ишларни илмий баҳолаш, муаммоларни инобатга олган ҳолда янги ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Анжуманда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган муҳим палла Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам катта эътибор қаратилди. Зеро, юрт келажаги, миллат тақдири айни жараёндаги сиёсий фаоллигимизга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳар бир киши, жумладан, ёшлар ва аёллар унутмаслиги лозим. Тадбирда хотин-қизларнинг ушбу жараёнлардаги нафақат ижтимоий фаоллигини ошириш, балки сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, дунёга юз тутган Ўзбекистонимизда ислоҳотларни амалга ошириш ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг чинакам калитидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: анжуманда лавҳа
Ислом Исмоилов
олган сурат

Ислоҳотлар оқимида

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу қонунга кўра кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса ҳам кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Республикамизда кўплаб микрофирмалар ва кичик корхоналар мазкур қулайликлардан фойдаланиб ўз фаолиятларини самарали амалга оширмоқдалар. Жумладан, Тошкент шаҳрида микрофирма ва кичик корхоналар қўшимча равишда 500 дан зиёд касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаб ўз мақомларида қолганлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Агарда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликка киритилаётган бундай янгиликлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва ишбилармонлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратади.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Оталар ва қизлар". Б/ф. 1-қисм.
07.50 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.40 "Жажжи хоним". Б/ф.
10.15 "Имконият".
10.35 "Бизнес старт".
11.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.45 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Кўрганларимиз ҳақида".
13.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.30 "Мерос". Б/ф.
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Кунларнинг бирида".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Чашмалар". Х/ф.
17.25 Анонс.
17.35 "Бизга ўхшаган одамлар". Б/ф.
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус /.
20.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Мўъжизалар макони".
22.10 – 00.40 Ҳинд киноси: "Билсанг агар". Б/ф. Премьера.
00.40 "Имконият".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Пари момо". Б/ф.
03.45 "Кунларнинг бирида".
04.00 "Ахборот".
04.40 "Мўъжизалар макони".
05.10 – 05.55 "Ўзингни англа". Ток-шоу.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
07.00 "Мутойиба".
07.30 "Ёшлар боғи".
07.50 "Қиш хаёли".
08.00 "Бедор тунлар". Б/ф.
09.30 "Соғлом ҳаёт".
09.50 "Томчида қуёш".
10.00 "Давр".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Дугоналар".
11.40 "Қалпоқ". Ҳажвия.
12.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
12.50 "Конституция дарси".
13.00 "Давр".
13.10 "Имкон-шоу".
14.00 "Қуёшни сен уйғотасан". Спектакль.
15.40 "Қорақалпоқ ёшлари".
16.00 "Давр".
16.10 "Изтопар". Т/с.
17.00 "Қизлар мактаби".
17.30 "Бўрон овчилари". Б/ф.
18.50 "Телетухфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Янги "Ҳандалак".
21.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
21.50 "Томчида қуёш".
22.00 "Давр".
22.30 "Мумиё. Аждар императорининг қабри". Б/ф.
00.10 "Фариштa". В/ф.
00.30 "Ош бўлсин!"
03.20 "Ҳаёт қадри".
03.40 "Автопатруль".
04.00 "Фан ва ёшлар",
04.30 "Шарқ гавҳари".
05.00 "Сеҳрли қўллар".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягона сан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
06.10 "Гигантские мосты". Д/ф.
07.00 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-madaniyat".
10.10 "Тиллақош".
11.00 "Дунёдан дараклар".
11.20 "Кадриятлар маскани". Х/ф.
11.45 "Poytaxt-Hi-tech".
12.15 "Курьер". Б/ф.
13.35 "Сифат назорати".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Poytaxt-intervyu".
16.20 Миллий сериал: "Сабр".
16.50 "Poytaxt-eko".
17.00 "Очиқ мулоқот".
17.45 "Пойтахт-репортаж".
18.20 "Poytaxt-avto".
18.30 "Вақт топиб".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.00 "Дунёдан дараклар".
20.20 "Санамжон".
08.15 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
09.25 Баскетбол.
10.50 "Футбол янгиликлари".
10.55 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
14.00 Хабарлар.
14.15 "Футбол янгиликлари".
14.20 "Ўзбек спортининг зафарли одимлари".
14.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
15.50 "Юлдузли оқшом".
16.45 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бизнинг спорт".
18.25 "Футбол янгиликлари".
18.30 Хабарлар.
18.50 "Эътироф".

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий кино. "Етти олам".
07.30 "Идрок харитаси".
07.55 "TV анонс".
08.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Бизнес ва тараққиёт".
09.10 "Хатарли қармоқ".
10.35 "Маҳалламиз болалари".
10.00 Миллий кино. "Аёл макри".
11.35 "TV анонс".
11.40 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
12.30 "Репортёр".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Севги балки бу жаннат".
14.25 "TV анонс".
14.30 "Истеъдод".
15.00 "Томорқа".
15.25 Миллий кино. "Севги балки бу жаннат-2".
17.00 "TV анонс".
17.05 "Шарқона маскан".
17.30 "Ноёб институт".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Маҳаллам ҳақида".
18.30 "Мисли гавҳар".
18.55 "TV анонс".
19.00 "Турфа маслаҳат".
19.25 "Фермер".
19.50 "Ихтиро".
20.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
21.00 Миллий кино. "Ўғригина келин".
22.45 "TV анонс".
22.50 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
23.35 "Теран илдизлар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий кино. "Етти олам".
01.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
02.00 Миллий кино. "Севги балки бу жаннат".
03.30 "Таҳлил ва талқин".
04.00 "Соғлом турмуш".
04.25 – 06.00 Миллий кино. "Севги балки бу жаннат-2".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Миттивойлар мусобақаси".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Топағон болажон".
09.00 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Болалар учун фильм".
11.50 "ABC-kids".
12.10 "Мультипанорама".
12.50 "Bravo English".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.30 "Саргузаштлар ороли".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.10 "Табиатга саёҳат".
16.30 "Эртаклар оламида".
17.50 "Миттивойлар оиласи".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Китоблар мамлакатида".
19.50 "Қўғирчоқлар театри".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Тўйлар муборак". Б/ф.
07.15 "Катта ҳовли". Б/ф.
08.50 "Келганда келин". Б/ф.
10.50 "Баракасини берсин". Б/ф.
12.15 "Зумрад ва Қиммат". Б/ф.
13.55 "Ёндиради, куйдиради". Б/ф.
15.30 "Сеҳрли қалпоқча". Б/ф.
16.55 "Очарован тобой". Х/ф.
18.15 "Онажоним орзуси". Б/ф.
19.50 "Учар қиз". Б/ф.
21.30 "Алпомиш". Б/ф. 1-қисм.
22.45 "Алпомиш". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Счастье – это". Х/ф.
01.25 "Қурилишдаги бурилиш". Б/ф.
02.30 "Доно Мондухай хоним". Б/ф.
04.40 – 06.00 "Йўлбошчи". Б/ф.

ШАНБА, 3

21.00 "Ўзгача услуб".
21.30 "Тошкентнома".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "История дельфина". Х/ф.
00.15 "Очиқ мулоқот".
01.00 "Poytaxt-intervyu".
01.15 "Санамжон".
02.15 "Ҳикматли дунё": "Мафтуна".
03.00 "Poytaxt-madaniyat".
03.15 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
06.30 "Соғломжон-полвонжон".
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар.
19.00 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
20.00 "Матонат".
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.50 "Футбол янгиликлари".
21.00 "Шоҳсупага йўл".
21.45 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
22.50 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
23.50 "Эътироф".
00.00 Мадҳия.
00.05 Баскетбол.
01.30 Хабарлар.
02.00 Тог чанғиси. Жаҳон Кубоги.
02.55 "Шоҳсупага йўл".
03.40 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
04.40 "Техноспорт".
05.00 – 06.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.

ЯКШАНБА, 4

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Оталар ва қизлар". Б/ф. 2-қисм.
07.50 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.40 "Алмашилган таътил". Б/ф.
10.50 Анонс.
11.00 "Сайлов – 2016". "Ахборот".
11.30 "Кунларнинг бирида".
11.45 "Менинг боғим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир).
13.30 "Қўнгил ободлиги".
14.00 "Сайлов – 2016". "Ахборот".
15.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
15.50 Анонс.
16.00 "Заковат".
17.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир).
17.30 "Қишлоқ ҳаёти".
17.50 Анонс.
18.00 "Сайлов – 2016". "Ахборот" (Махсус сон)
19.00 "Таҳлил – 25".
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
22.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир).
22.30 – 00.00 "Нозир ташрифи". Б/ф.
00.00 Анонс.
00.10 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
01.00 "Ахборот /рус/.
01.30 "Ассалом , Ўзбекистон!"
02.30 "Қайнона". Б/ф.
03.45 "Чашмалар".
04.00 "Ахборот".
04.40 "Заковат".
05.40 – 05.55 "Кунларнинг бирида".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Шарқ гавҳари".
07.30 "Ош бўлсин!"
08.00 "Кутилмаган совға". Б/ф.
08.30 "Аждодлар ёди".
09.00 "Давр".
09.10 "Шарқ гавҳари".
09.45 "Omad lotto".
10.00 "Давр".
10.10 "Ғузал ва бетакрор".
10.30 "Фан ва ёшлар".
10.50 "Биз киммиз?"
11.00 "Давр".
11.10 "Ғузал ва бетакрор".
11.30 "Маҳаллада дув-дув гап". Б/ф.
12.50 "Телетухфа".
13.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир)
13.30 "Аждодлар ёди".
14.00 "Сайлов – 2016".
14.30 "Шарқ гавҳари".
15.30 "Мафтунингман". Б/ф.
16.50 "Телетухфа".
17.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир)
17.30 "Аждодлар ёди".
18.00 "Сайлов – 2016".
18.30 "Ғузал ва бетакрор".
19.00 "Давр".
19.30 "Имкон-шоу".
20.10 "Пит ва Аждарҳо". Б/ф. Премьера.
21.50 "Тинчлик нашидаси".
22.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир)
22.20 "Телетухфа".
22.30 "Фанфан-лолагул". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягона сан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "Poytaxt".
06.10 "Уста". Х/ф.
06.45 "Poytaxt-madaniyat".
7.00 "Poytaxt".
07.10 "Тошкент вақти".
8.00 "Poytaxt".
08.10 "Тошкент вақти".
9.00 "Poytaxt".
09.15 "Ўзгача услуб".
09.50 "Poytaxt-Hi-tech".
10.00 "Пойтахт".
10.10 Миллий сериал: "Сабр".
11.00 "Poytaxt".
11.10 Миллий сериал: "Сабр".
12.00 "Poytaxt".
12.10 Миллий сериал: "Сабр".
13.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир).
13.30 "Тошкентнома".
14.00 "Сайлов – 2016".
14.30 "Тошкент вақти".
15.00 "Poytaxt".
15.10 "Тошкент вақти".
16.00 "Poytaxt".
16.10 "Санамжон".
17.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир).
17.30 "Тошкентнома".
18.00 "Сайлов – 2016".
18.30 "Телемаркет".
19.00 "Пойтахт".
19.10 "Рангли телевизор".
20.00 "Poytaxt" (news)
20.10 "Тиллақош".
21.00 "Poytaxt" (ўзбек)
21.10 "Кинотақдим".
21.40 "Телемаркет".
22.00 "Сайлов – 2016". Брифинг (тўғридан-тўғри эфир).
22.30 Миллий кино: "Ер-ёр".
23.40 "Обод хонадон".
00.05 "Мустақиллик иншоотлари".
00.35 "Ҳикматли дунё": "Бувижон".
01.20 "Poytaxt-madaniyat".
01.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
2.00 "Poytaxt" (ўзбек).
02.15 "Кўнгил ҳайратлари".
02.45 "Кинотақдим".
03.15 "Poytaxt-avto".
03.25 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Бизнинг спорт".
06.35 Баскетбол.
08.00 Хабарлар.
08.15 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
09.15 "Шоҳсупага йўл".
10.00 Тог чанғиси. Жаҳон Кубоги.
10.50 "Футбол янгиликлари".
11.00 "Шоҳсупа". Сериал.
12.20 "Қувноқ стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
14.30 "Футбол янгиликлари".
14.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
15.40 "Камолот спорт".
16.05 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
17.05 "Юлдузли оқшом".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.25 "Футбол янгиликлари".
18.30 Талқин.
19.00 "Эътироф".
19.10 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Талқин.
21.00 "Футбол янгиликлари".
21.10 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
22.15 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
23.15 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
00.00 Мадҳия.
00.05 Трамплиндан сакраш. Жаҳон Кубоги.
01.10 Тог чанғиси. Жаҳон Кубоги.
02.15 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
03.25 "Чемпион".
03.55 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
05.00 – 06.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 "Истеъдод".
06.35 "Репортёр".
07.00 "Хуш кайфият".
08.00 Миллий кино. "Ажойиб хаёлпараст".
09.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
10.00 Миллий кино. "Ўғригина келин".
11.45 "TV анонс".
11.50 "Мисли гавҳар".
12.15 "Ихтиро".
12.40 "Турфа маслаҳат".
13.00 "Хуш кайфият".
14.00 "Муҳаббат ришталари".
14.25 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
15.10 "Нуроний фасл".
15.35 Миллий кино. "Гўзаллик сири".
17.00 "Маҳалламиз спортчилари".
17.50 "Теран илдизлар".
18.15 "Муъжаз Ватан".
18.35 "Йўлга чиқдик".
19.00 Миллий кино. "Тўйлар муборак".
20.00 "TV анонс".
20.05 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
20.45 "7 кун нафаси".
21.00 "Маҳалламиз маликаси".
21.50 Миллий кино. "Яратганга шукр".
23.30 "Қадр топган қадриятлар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий кино. "Ажойиб хаёлпараст".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.30 "Мультипанорама".
08.30 "Қувноқ стартлар".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Юлдузча".
11.50 "Мультипанорама".
13.10 "Табиатшунос болажон".
13.30 "Болалар учун фильм".
16.10 "Табиатга саёҳат".
16.30 "Мультипанорама".
17.40 "Миттивойлар мусобақаси".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Билағон болажон".
20.30 "Китоблар мамлакатида".
20.50 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Ватан". Б/ф.
07.35 "Учар қиз". Б/ф.
09.15 "Севгинатор". Б/ф.
10.55 "Севгинатор-2". Б/ф.
12.25 Миллий спектакль. "Чимилдиқ".
14.15 "Тоға". Б/ф.
15.40 "Мен юлдузман". Б/ф.
17.05 "Ўзимдан ўзимгача". Б/ф.
18.35 "Буюк Амир Темур". Б/ф.
20.40 "Етти ҳайкал, битта кал". Б/ф.
22.15 "Армонли дунё". Б/ф.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Кавказская пленница". Х/ф.
01.40 "Сарвиноз". Б/ф.
04.00 "Сарвиноз-2". Б/ф.
05.30 – 06.00 "Биринчи бўса". Б/ф.

"101"

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Юртимизда ишлаб чиқариш ривожланаётган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга бўлган электр ускуналарининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Электр қурилмаларининг эксплуатация қилишда келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин хавфи электр тармоғида ёниш мумкин бўлган ҳимоя қатламини ва ёнғин манбаи борлиги сабабдир. Ҳимоя қатламида ишлатилаётган матолар ёнувчандир. Ҳаводаги кислород билан енгил алангаланувчи суюқликнинг буғлари, очиқ ҳолда электро қурилмалари монтаж қилинганда ҳар доим ёнувчи ва портловчи модда ҳосил бўлиши мумкин.

Электр мосламаларидаги ёнғинларнинг сабаблари: симлардаги қисқа туташув, ўтказгичларнинг юкланиши, учқун ва электр ёйи катта ўтиш қаршилиги ҳисобланади. Шундай экан, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратишни унутманг.

Дониёр УРМАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
Ёнғин хавфсизлиги бўлим бошлиғи, майор

* * *

Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг тармоқлари томонидан ўтган йиллар давомида юртимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлган ёнғинларни тезда бартараф этиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамжиҳатлик билан меҳнаткаш халқимиз ҳаётини, молмулкини ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишмоқда. Буни ёнғинлар сони йилдан йилга камайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Айрим фуқаролар эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги ёки табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида турли кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилса, турли кўнгилсизликларнинг олдини олган бўлади. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг мақсад муддаоси ҳам айнан шудир.

Зокир БОЙМАТОВ,
ЁХБ 12-ҲЁХО 4-ХЁХ алоҳида пост инспектори, сержант

* * *

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жойларда турли тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Бундан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга уларни жалб қилишдан иборат.

"Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу ўринда, аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ бўлишини эслатиб ўтамиз. Энг аввало, очиқ алангалардан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолдаги қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, белгиланмаган жойларда чекмаслик.

Олов баъзи пайтларда кишиларнинг соғлиғига, инсонларнинг мол-мулкига зарар етказадиган офатдир. Шунинг учун биз ундан энг аввало эҳтиёткорлик билан фойдаланиб, ўзимиз, яқинларимизни ва уй-жойларимизни асраш учун доимо ҳушёр бўлишимиз лозим.

Мурод ЗИКИРОВ,
12-ҲЁХО 4-ҲЁХ а/п кичик инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йил 29 декабрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уйда жойлашган офис ва савдо дўкони мажмуасини сотиб олишга таклиф этамиз.

Объектнинг бошланғич нархи 12 055 852 700 (ўн икки миллиард эллик беш миллион саккиз юз эллик икки минг етти юз) сўмни ташкил қилади ва уни сотиб олиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объект" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлаш;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси ўтказиладиган санадан 1 иш куни аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 29 декабрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар 29 декабрь куни бўлиб ўтмаганда, навбатдаги савдолар 2017 йил 13, 30 январь, 14 февраль, 1 ва 16 март кунлари соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Объектни сотиш бўйича тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш (оммавий оферта савдоси) 2016 йил 29 декабрда бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда, ушбу савдодан кейинги навбатдаги савдолар "Объект"нинг савдога қўйиш дастлабки нархига нисбатан, "Объект"ни савдога қўйиш дастлабки нархининг 50 фоизига қадар бироқ "Объект"нинг баҳолаш санасидаги қолдиқ қийматидан паст бўлмаган ҳолда, ҳар 15 кунда 10 фоиздан қадамба-қадам пасайтириш механизми қўлланган ҳолда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

2015 йил 30 январда Тошкент шаҳар Яшнобод туман ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 005447-07 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "NIKOX VA OILA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 202423503) (қисқартирилган номи: "NIKOX VA OILA" МЧЖ) мулкдорининг 2016 йил 28 ноябрдаги 2-сон қарорига асосан ихтиёрий

ТУГАТИЛМОҚДА.

Аризалар 2 ой муддатда Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 80-уйда қабул қилинади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш учун "ишонч телефони" ташкил қилинган.

262-92-42 рақамли "ишонч телефони" орқали мурожаатларни қабул қилиш бўйича бошқарманинг масъул ходимлари бириктирилган.

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

"TOShShAHARNUR" давлат унитар корхонасининг диспетчерлик хизмати Тошкент шаҳри кўча чироқларининг ишлаши тўғрисидаги мурожаатларингизни қабул қилади.

Мурожаат учун
телефон: 230-20-20, 232-20-20
Telegram: +99895 196-20-20
e-mail: nur.2016@umail.uz
http://tashgorsvet.uz/questions
Таклифларингизни қуйидаги телефон рақамлари орқали беришингиз мумкин:
250-57-57, 250-71-96, 250-43-08
250-44-71, 250-77-12
"TOShShAHARNUR" ДУК маъмурияти

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Республика Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 21-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 11041 кв.м., 4 қаватли ертўлали бинонинг бир қисми, реестр рақами 133-2013, пойдевори бетон, девори бетон/ғишт, ёпма-т/бетон, пол-бетон бўлган, қурилиши тугалланмаган савдо ва маиший ("Ижтимоий маданий ва маиший хизмат кўрсатиш") мажмуаси биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 14 452 706 000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 30 декабрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 28 декабрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo`li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **30 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3–8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9219

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ